



Ислом Нури

Ислом буюрган ҳуқуқлар силсиласи

Мусулмон биродар, муслима сингил, биз яна бир бор бир-биримизга эслатишга киришамиз. Чунки, эслатиш муъминларга фойда беради. Бизларнинг зиммамизда вожиб бўлган ҳуқуқларни бир-биримизга эслатиш учун яна шу мавзуга қайтамиз, ўтган жумъа насихатларида хотиннинг эр устидаги ва фарзандларнинг ота-она устидаги ҳақлари билан танишиб ўтган эдик. Хотиннинг эри устидаги моддий ва маънавий ҳуқуқларини зикр қилгандик улар: махр, нафақа, ётоқдаги ҳаққини адо этиш, унга яхши муомала қилиш ва диндан ўрганишлиги зарур бўлган нарсаларни унга таълим бериш билан уни дўзах ўтидан саклаб қолиш қабилар эди.

Бугун эса Аллохнинг ҳамди ва тавфиқи билан эрнинг хотин устидаги ҳуқуқлари билан танишамиз. Дарҳақиқат Ислом эр-хотиннинг ҳақларини бир-бирига фарз қилиб қўйган. Ким бу ҳақларни бузса ёки у ҳақлардан юз ўгирса ёки била туриб уни адо этишда сусткашлик қилса, ўзини Аллохнинг лаънатига ва газабига гирифтор қилади. Бундан Аллохнинг ўзи асрасин.

1) Эрнинг хотин устидаги ҳақларининг энг муҳими хотиннинг эрига итоат қилишидир. Аллох таъоло эрни оилани бошқарувчи қилиб қўйди ва Аллох буюрган ушбу бошқарувчиликни кийинчиликсиз ва орага совуқлик тушмасдан қулай ва енгил бажариши учун хотиннинг эрга итоат қилишини вожиб қилди. Агар никоҳ қилиш вақтида хотин ишлайман деб шарт қилмаган бўлса эр хотинни қўчага чиқиб ишлаб келишдан ман қилишга ҳақлидир. Агар ишга чиқиши шарт қилинган бўлса у холда эрқаклар билан аралашмайдиган шаръий ишда ишлашликка руҳсат бериб шартга вафо қилиши вожибдир. Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам: «Шартлардан вафо қилишингизга



Ислом Нури

ҳақлироғи хотинларингизни ўзингизга никоҳ билан ҳалол қилиб олаётган вақтда қўйилган шартлардир» — дедилар. Агар эр хотинини диний ёки дунёвий ишларга буюрса; мас: болалар тарбияси, талаб илм қилиш ва уй ишларини бажариш учун уйда ўтириш қабилар. У ҳолда эрга итоат қилиш хотинга вожиб бўлади. Аммо агар Аллоҳ таъоло ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламни рози қилмайдиган ишга буюрса, масалан: маст қилувчи ичимлик ичиш, қўчага безаниб чиқиш, фосиклар билан ўтириш ва динсиз ахлоқсиз инсонлар билан аралшиш қаби ишларга буюрса эрига итоат қилмайди. Чунки, яратувчига осий бўладиган ишларда ҳеч бир кимсага итоат қилинмайди, балки яхшиликда итоат қилинади, ҳолос. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Агар хотин беш вақт намозини ўқиса, рамазон ойи рўзасини тутса, фаржини ҳаромдан сакласа ва эрига итоат қилса, қиёмат куни унга: саккиз жаннат эшикларининг қайси биридан хоҳласангиз қиринг — дейилади».

Эр хотинини Аллоҳнинг тоатига буюрган пайтда унга итоат қилса хотинга икки бош ажр бўлгани қаби Аллоҳнинг тоатига буюрган пайтда эрига итоат қилмаса унга икки бош гуноҳ бўлади.

Шубҳасиз аёл ўзининг эрига итоат қилиши оилани парчаланишдан ва эрнинг қалби ундан нафратланиб қолишдан саклайди. Муъмина хотин эрга итоат қилмаса ҳам бўлаверади деб тенг ҳуқуқликка чақириб, уни ҳалокат ва ҳаром ишларга жалб қилаётган кишиларга алданиб қолмаслиги лозим.

Муъоз ибн Жабал розияллоҳу анху Шомдан келганларида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламга сажда қилдилар. Шунда Расулуллоҳ



Ислом Нури

саллаллоху алайхи ва саллам «Эй Муъоз бу нимаси? деб сўрадилар. Муъоз розияллоху анху Эй Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам, ахли китоблар ўзларининг рухонийларига сажда килганларини кўрдим ва мен ҳам буни сизга килишни хохладим» деди. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Бундай килма, агар мен бировни бировга сажда килишга буюрганымда хотинни эрига сажда килишга буюрган бўлардим. Рухим кўлида бўлган зотга касам, аёл эрининг хакини адо этмагунича зиммасидаги хакларини тўла адо эта олмайди». Яна дедилар: «Икки тоифанинг намозлари бошларидан юкорига ўтмайди (яъни Аллохнинг хузурига кўтарилмайди, қабул бўлмайди), хожасидан кочиб кетган кул хожасига кайтмагунича ва эрига итоатсизлик килган хотин шу итоатсизлигидан кайтмагунича». (Табароний ривоят килган). Хоким Оиша розияллоху анходан ривоят килади. Уммул муъминийн Оиша розияллоху анхо дедилар: «Расулуллох саллаллоху алайхи ва салламдан «Аёл киши устида энг хаки кўп одам ким деб сўрадим «Эри» дедилар. Эр киши устида энг хаки кўп одам ким дедим? «Онаси» — дедилар.

2) Эрнинг иззат-нафси ва хис-туйгуларини риоя килиш. Эр хотинидан суюмли-яхши нарсани кўрсин ва рози киладиган сўзни эшитсин, ундан нохуш нарсага йўликмасин, чунки, муъмин киши ўз уйидагина ором олади ва ўзининг аёли билангина рохатни хис килади. Гохида эр ишидан чарчаб келган бўлади. Уйида дам олиш ўрнига хотини унга куни билан килган ишларидан кўра каттарок муаммоларни тайёрлаб туради. Шикоятларни тўкиб солади, кўшнилар билан ёки эрнинг онаси, сингиллари каби якинлари билан жанжаллашган бўлади. Ёки уйга, уй жихозларига ва тозаликка бепарво бўлади. Таомни вақтида тайёрламайди натижада эр ўзини бахтсиз хис килади. Шунинг учун баъзи эркаклар уйда бундай ёмон хулкли хотин билан бирга бўлгандан кўра чойхона ёки ошхонада яхшироқ рохат топганликлари учун



Ислом Нури

шундай жойларда ўтиришни афзал кўрадилар. Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Бирон хотин ўзининг эрига бу дунёда озор берса, унинг жаннатдаги хурлардан бўлган хотини бу озор берувчи аёлга шундай хитоб қилади: «Аллоҳ сени халок қилсин, бу киши сенинг олдинда вақтинчадир яқинда сендан ажралиб бизнинг олдимизга келади — дейди».

Эй муслима аёл, сиз эрингизга озор бериб уни ўзингиздан нафратлантиришингиз, тилингиз билан озор беришингиз ва унга итоатсиз бўлишингиз сизга хурсандлик бахш этадимиз? Агар шундай қилсангиз билингки, у яқинда жаннатга кирса у ердаги хурулийнларнинг эри бўлади. Аллоҳ таъоло у хурлар хақида деди:

«(Улар) чодирларда асралган хурлардир. Уларга илгари на бир инс ва на бир жин тегинмагандир» (Раҳмон сураси 72 - 74 оятлар). Воқеъа сурасида шундай сифатлайди: «Дарвоқе, Биз уларни (оҳу кўз хурларни) дафъатан пайдо қилдик (яъни, улар онадан тугилмадилар, балки Аллоҳнинг қудрати билан дафъатан пайдо бўлдилар). Сўнг уларни ўнг томон эгалари учун (ёшда ҳам, хусну жамол ва қадди қоматда ҳам) бири-бирига тенг, эҳтиросли, боқира қизлар қилиб қўйдик» (Воқеъа:35-38) бундан бошқа уларнинг қўплаб сифатлари қуръон қаримда зикр этилмишдир.

3) Эрнинг хотин устидаги ҳақларидан эрнинг моли, шарафи ва обрўсини сақлаш. Хотин сарф-харажатида тадбирли ва эрининг итоатида қаттиқ бўлиши лозимдир. Эрининг молини фақат унинг рухсати ва розилиги билангина сарфлайди ёки бировга беради. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Хотин киши эрининг уйдан бирор нарсани унинг рухсатисиз сарфламасин.» Таомни ҳамми деб сўрадилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва



Ислом Нури

саллам «бу моллариимизнинг энг афзали» дедилар. (Термизий ривояти).

Аёл эрининг шарафини ва молини саклаши лозим. Бу эридан бошка бегона эркакларнинг олдида зийнатини кўрсатиб эрига хиёнат қилмаслиги, зийнатланиб, хох уйда, хох кўчада бўлсин бегона кишиларга очик-сочик кўринмаслиги ва уларга карамаслиги билан бўлади. Эшикдан мўралаш ва кўча-кўйда, бозорларда бировларнинг кўзига хижобсиз кўриниши ва уларга караши бугунги кунда аёлларимиз мубтало бўлган ҳолатдир. Улар кўчаларга чиқишларидан ташқари ховли-жойлари олдидан ўтсангиз эшик олдида турадилар ёки дераза ва балконлардан мўралаб қарайдилар. Бу жуда катта хиёнат ҳисобланади. Агар эр ҳам бунга рози бўлса, унда икковлари ҳам Аллоҳга ва унинг Росули Мухаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга хиёнат қилган бўладилар.

4) Уй ишларини чиройли бажариш, болаларига гўзал тарбия бериш ҳам хотиннинг бурчларидан. Мана шу иш унинг соғлигини яхшилаб унга қувват бахш этади. Болаларини «болалар богчаси»га, уй ишларини хизматкор аёлга ташлаб қўймайди. Хар бир муслима аёл Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кизлари Фотимаи Заҳродан ўрнак олсин. Кунларнинг бирида Фотима отасининг олдига келиб, кўлтегирмонни айлантираверишдан кўллари қаваргани ва эри Алийнинг уй ишларини бажаришдаги машаққатларини шикоят қилди ва хизматкор олиб беришни талаб қилди. Шунда пайгамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга «мен сени хизматкордан кўра яхшироқ нарсага йўллайинми»? ётогингга кирганигда 33 марта Аллоҳга тасбеҳ (субҳаналлоҳ) айт, 33 марта ҳамд (алхамдулиллаҳ) ва 34 марта такбир (Аллоҳу акбар) айт, мана шу сенга хизматкордан кўра яхшироқ.» — дедилар. Буни қаранг: Хизматкор сўраб келса Аллоҳнинг



Ислом Нури

зикрига буюрдилар. Чунки, расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам бизнинг хар сохадаги муаллимимиз, у бизга нима фойдалигу нима зарарлигини яхши биладилар.

Аллохнинг зикри гам-ташвишларни кеткизиши ва у билан калблар хотиржам бўлишини куръони каримда ёд килинган: «Улар иймон келтирган ва калблари Аллохнинг зикри билан хотиржам бўладиган кишилардир. Огох бўлингизким, Аллохни зикр килиш билан калблар ором олур» (Раъд:28)

5) Эрнинг хотин устидаги хакларидан, эрнинг уйига унинг изни билангина кариндош эркак ва аёл ёки бегона аёлни киритади. Эр хам хотиннинг олдига Аллохдан кўркмайдиган кимсаларни киргизмайди, у шайтоний караши ёки сўзи билан бу хонадоннинг тинчлигига рахна солиши мумкин. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Аёлларнинг олдига киришдан сакланинглар! Эй расулуллох, эрнинг (эркак)^[1] кариндошларига нима дейсиз? — Дедилар. Эрнинг кариндошлари ўлимдир» дедилар. Яна бир хадисда шундай дедилар: «уч тоифа одам жаннатга кирмайдилар: арок ичишга муккасидан кетган, окпадар ва даюс» даюс деб хотин-кизларидаги суюкликдан кўз юмадиган ва бунга эътибор бермайдиган кимсага айтилади.

Хозирги кунда исломга ёт бўлган одатлар бизга хукмрон бўлиб колмокда. Масалан: таниш-билиш, дўст-огайни, гўёки булар махрамлар каторида. Бемалол хотинларнинг олдига кириб келишаверади, эр уйда бор бўлсин, йўк бўлсин бунинг фарки йўк. Ха, деса эрининг ошнаси, дугонасининг эри ва хоказо. Махалланинг эркаклари уларнинг хаммалари махрам, улар билан бемалол кўришилади. Бундан хам кизикроги аёллар бенамоз, бетавфик кишилардан унчалик кочмайдилар. Аммо биронта намозхон, такволи



Ислом Нури

кишини кўриб колсалар дархол юзларини тўсадилар. Холбуки бу одам иложи борича уларга карашдан кўзини эҳтиёт килади.

Ислом ошна огайничилик, ёру-биродарликни ман килмайди, балки унга буюради. Бирок, исломий чегаралардан четга чикишга ҳам рухсат бермайди.

Юкорида зикр килинган нарсаларга амал килмаслик окибатида канчадан-канча оилалар бузилиб кетган, хотинлар талок, болалар тирик етим бўлган. Ўйлаб кўринг, буларнинг хаммаси нима учун бўлган?! Пайгамбаримизнинг васиятларига амал килмаслигимиз учун бўлган. Шунинг учун ҳам Аллох таоло расулуллохнинг буйруқларига хилоф килишимиздан кайтарган: «(пайгамбарнинг) амрига хилоф иш киладиган кимсалар ўзларига бирон фитна-кулфат етиб колиши ёки аламли азоб етиб колишидан ҳазир бўлсинлар!»

Биз юкорида санаб ўтган ҳуқуқлар эрнинг хотини устидаги ҳуқуқларнинг хаммаси эмас. Биз уларни ўқувчи малолланиб колмаслиги учун иложи борича киска ва лўнда килишга интилдик. Булардан бошка ҳам ҳуқуқлар бор уларни сўраб, билишга хар бир эр ва хотин ҳаракат килсинлар.

Сўзимизнинг охирида Аллох таолодан барча муъмин ва муъминаларни ўзларининг зиммаларидаги бурчларини танитиши ва уларга амал килишга муваффақ килишини сўраб дуо киламиз. Аллох бунга Эга ва Кодир зотдир.

Ислом Нури таҳририяти

^[1] - Эрнинг эркак кариндошлари: ака-укаси, уларнинг ўгиллари,



амакилари ва уларнинг ўғиллари, тогалари ва уларнинг ўғиллари, опасингиллар ва амма-холаларнинг ҳам ўғиллари ва эрлари, буларнинг ҳаммаси хотинга нисбатан номахрам кишилардир. Эрнинг дадаси ва бобоси эса хотинга маҳрам ҳисобланади. Араб тилида юкорида зикри ўтганларга бир калима билан «ал-хамв» дейилади. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам «ал-хамв алмавт» дедилар. Яъни хамв ўлимдир. Буни салаф уламоларининг баъзилари куйидагича шархлайдилар: эрнинг эркак қариндошлари шу хонадонга алоқадор бўлганликлари сабаб уларинг бу хонадонларга кириб чиқишлари осон ва бошқаларнинг эътиборини жалб қилмайди. Натижада шайтон васвасаси билан зино содир бўладиган бўлса бу аёл ва агар оила кўрган бўлса ўша эркак ҳам зонийларга қўлланиладиган ислом ҳукмига биноан тошбўрон қилинадилар ва ўладилар. Бунинг акси ўларок бегона кишилар бирон хонадонга икки-уч бор кирсалар дархол назарга тушадилар.